

# Расулуллоҳ сизни бир бор кўрсайдим... (иккинчи мақола)



18:05 / 31.10.2019 2294

## Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатнинг аломатларини биламизми?

Дарҳақиқат, саҳобалар розияллоҳу анҳум Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга энг кўп муҳаббат қилган зотлардир. Зеро бу муҳаббат - маърифатнинг мевасидир. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадрлари ва мартабаларини жуда яхши англаган эдилар. Бу муҳаббат қандай эди, биламизми? Уларнинг муҳаббатлари Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни улуғлаш, ҳурмат ва эҳтиром қилиш билан йўғрилган.

Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу айтадилар:

“????? ?????? ??????? ?????????? ?????????? ?????? ??????????”

????????? ?????????? ?????????? ?????????????? ?????????????? ?

????? ?????????? ??? ?????????? ?????????? ? ??????? ??????????

????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ??????????

????????????????? ?????? ? ?????????? ?????????????? ?????? ??????????????

??? ?????????????? ? ?????????????? ?????? ?????????? ??????????????

????????????????? ?????????? ? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????

????????????? ? ?????????????????? ?????? ?????????????? ?????? ??????????

????????????????? ? ?????????? ?????????????????? ?????????????????? ??? ??????????????

??? ?????????? ??????????“ ?????? ??????

«Ҳеч ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра менга сеvimлироқ ва улуғвор бўлмаган. У зотни улуғлаганимдан у зотга синчиклаб назар солмаганман. Агар мендан у зотни васфлаш сўралса, бунга қодир бўлолмасдим. Чунки, у зотга синчиклаб назар солмаганман».

*Имом Муслим ривояти.*

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

????? ??? ? ? ???? ?????? - ??? ?????? ??? - : ??? ??? ??????

?????? ?????? - ??? ?????? ?????? ?????? - ? ??? : ??? ???????

??? ??????? ? ? ?????????? ? ?????????????? ? ?????????????? ?

????????? ? ??? ?????? ??????? ??? ?????? .

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатингиз қандай эди?- дея сўралди. Шунда Али розияллоҳу анҳу: «Аллоҳга қасамки! У зот бизларга молу дунёимиздан, болаларимиздан, оталаримиз ва оналаримиздан ҳамда чанқоқ одамга муздек сув ёқимли бўлганидан кўра севимлироқ эдилар», деб жавоб бердилар. (“Аш-Шифо“ Қози Ибн Иёз роҳимаҳуллоҳ)

Саҳобалар розияллоҳу анҳум Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари, юксак эҳтиромлари ва у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир сўзларига ҳеч иккиланишсиз эргашганлари боис улуғ мақомга эришганлар. Қиёматга қадар улардан бирининг исми зикр қилинса “*عن جلاله*” яъни, «Аллоҳ таоло ундан рози бўлсин!» дея эҳтиром қилинадиган бўлдилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатларидан яна бири - у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни хурсанд қиладиган ишлар ва нарсаларни яхши кўришдир.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

???? ? ? ? ? ? - ? ? ? ? ? ? ? - ? ? ? ? ? ? ? ? - ? ? ?

???? ? ? ? ? ? - : ?

??? ??? ?????? ? ? ?????? - ????? ? ? ? ? ? ? ? ? ? ? -

???? ? ? ?????? ? ? ? ? ? ? ? ? ? ? ? ? ? ? ? ? .

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Сизни ҳақ ила юборган зотга қасамки! Абу Толибнинг мусулмон бўлиши унинг (яъни, оталари Абу Қуҳофа розияллоҳу анҳу) исломидан кўра кўпроқ хурсанд қилган бўларди. Чунки, Абу Толибнинг мусулмон бўлиши сизни хурсанд қиларди», деган

эдилар.

Бу қандай эҳтиром ва муҳаббатки, хурсанд бўлишларининг сабаби ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу нарсадан мамнун бўлишлари бўлса!

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«...»

«...»

«...»

Ҳазрати Умар Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳуга шундай деган эдилар: «Сизнинг мусулмон бўлишингиз менга Хаттоб (яъни, оталарини назарда тутяптилар)нинг мусулмон бўлишларидан кўра севимлироқдир. Чунки, бу нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга маҳбуброқдир». («Аш-Шифо» Қози Ибн Иёз роҳимаҳуллоҳ)

Абу Суфён ибн Ҳарб (Хубайб ибн Адий розияллоҳу анҳуни Қурайш мушриклари асир олиб қатл қилганлари воқеага қаранг) ва Урва ибн Масъуд (Худайбия йилида Қурайшдан элчи бўлиб келганлари воқеасига мурожаат қилинг) розияллоҳу анҳумоларнинг ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган иззат-икромлари, муҳаббатлари қандай экани борасида айтган сўзлари маълум ва машҳур.

Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўришимизни кўп айтамузу, лекин, бу сўзимизга қай бир ҳолатимиз ёки амалимизни далил қила оламиз? Қай бир ишни шуни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши кўрган эканлар, деб қилдик. Ёки, шу ишни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёмон кўрган эканлар, деб қайси бир гуноҳдан тийилдик?!

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу айтадилар: «Эътиқодингизга кўра яшамаётган бўлсангиз, яшаётганингиз каби эътиқод қила бошлайсиз».

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламни яхши кўраман деган ҳар бир муслим ва муслима ана шу муҳаббати тақозо этадиган тарзда ҳаёт кечириши лозим. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатимизга кўра ҳаёт кечиришимизни насиб этсин.

### **Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатларини биламизми?**

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатларидан яна бири - инсон у зот соллалоҳу алайҳи васаллам билан кўришишни бутун борлиғи билан исташи ва буни яхши кўришидир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

???? ?????????????????? ??? ????? ??? ?????  
????????????? ??????: ?????????????????? ?????????????????? ???  
????????? ?????????????????????? ?????????? ?????????????????? ??????????  
????????? ?????????????????? ?????????? ?????????????????? ??????????  
????????????????? ?????????? ?????????????????? ?????????????????? ??????????????????  
????????????????? ??????????????????

«Набий соллалоҳу алайҳи васаллам: «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зот билан қасамки, албатта, сиздан бирингизга бир кун келадикки унда мени кўра олмас. Албатта, мени кўриши унинг учун аҳлидан ва улар ила бирга бўлган молидан ҳам маҳбуб бўлиб қоладир», дедилар».

*Имом Муслим ривояти.*

Ушбу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам ўзларига муҳаббатли бўлган умматларининг ҳолатини баён этмоқдалар. Бундай

аломат билан ҳақиқий мустаҳкам иймон соҳибларигина сифатланадилар. Расулуллоҳни яхши кўрган ва у зот ила кўришишга муштоқ бўлган инсонлар учун ўлим ҳам хушxabарга айланади:

????? ??? ?????? ?????? .. ????? ?????? : ?? ??????

????? ??????? ?? ????? ? ?? ?? ?????? ?????? .. ? ??? : ??

????? ????????, ? ????? ?? ??????

?? ??? : ??? ?????? ??????? ..?????? ? ??????

Билол розияллоҳу анҳуга ўлим соати келганда аёллари: Э воҳ қандай маҳзунлик-а! - деди. У зот ўлим сакаротида бўлган ҳолларидан юзларидан чойшабни очиб: Э қандай маҳзунлик-а, демагин! (Балки,) Э қандай ҳурсандчилик-а, дегин, дедилар ва сўнг: Эртага Севиклигим - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобаларига йўлиқаман, дедилар.

Бунга ўхшаш ҳолатлар Хузайфа ибн Ямон ва Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳумолардан ҳам ривоят қилинган.

Бундай сўзни айтиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Тириклик пайтимизда ва ҳали имкон бор вақтда барча сабабларни қўллаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни таниб, у зотга муҳаббат ила эргашсакгина, бу шарафга эришимиз мумкин. Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўришишни истаймиз десагу, у зотнинг муборак суннатларини билмасак ё билсак ҳам амал қилмайдиган бўлсак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўришни истаган умматларидан бўла оламизми?!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатларидан яна бири - кўп эслаш-зикр қилишдир. Чунки, инсон яхши кўрган кишисини кўп эслайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни эслаш қандай бўлади?! Аввало, у зотга кўп саловат айтиш билан бўлса, кейинги навбатда муборак ҳаётларини ўрганиш ва ўргатиш билан бўлади.

Алоҳ таоло бу ҳақда шундай марҳамат қилади:

????? ????????? ????????????????????? ????????????? ???????

????????????? ? ??? ????????????? ????????????? ??????????

????????? ????????????? ????????????????? ?????????????????

**Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга саловот айтурлар. Эй иймон келтирганлар! Сиз ҳам унга саловот айтинг ва салом юборинг.** (Аҳзоб сураси, 56-оят)

Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтишининг маъноси у зотга ўз раҳматини юбориши, улуғлаши, мақомларини кўрсатиши ва фаришталар ҳузурида шаънларига мақтовлар айтишини англатади.

«Эй иймон келтирганлар! Сиз ҳам унга саловот айтинг ва салом юборинг.»

Яъни, Эй мўминлар сиз ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга кўп-кўп салавот айтинг! Чунки, зиммангизда у зотнинг ҳаққи бисёрдир. Зеро, сизларни Аллоҳ таолонинг ҳидояти ила зулматдан нурга, залолатдан ҳидоятга олиб чиққан зот - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Шунинг учун ҳам у зотнинг муборак номлари тилга олингани ҳамоно: **مُحَمَّدٌ وَآلِهِ** Аллоҳим, Муҳаммадга ва у зотнинг оилаларига марҳамат кўрсат, у зотга кўп салом йўлла! деб айтинг!

Имом Куртубий роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Аллоҳнинг салавоти - Унинг раҳмати ва ризоси, демакдир. Фаришталарнинг салавоти эса - дуо ва истиффор маъносидадир. Умматнинг салавоти бўлса дуо ва у зотнинг амрларига хурмат кўрсатишни билдиради».

Савий роҳимаҳуллоҳ айтди: Малоикалар ва мўминларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишларининг ҳикмати уларнинг бу иш орқали шараф топишларидир. Зеро, улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот йўллаш, у зотни улуғлаш ҳақидаги Аллоҳнинг амрига бўйсунганлар. Айти пайтда салавот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уммат зиммасидаги ҳақлари эвазига мукофотдир. Чунки, у зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига берилган барча неъматларнинг асосий сабабчисидирлар. Киши бировдан бир яхшилик кўрса, унга яхшилик билан жавоб қайтаришга ва уни тақдирлашга бурчли бўлиб қолади. Аммо, инсонлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни муносиб тақдирлашга имконлари етмаслиги сабабли, барча нарсанинг мутлақ эгаси ва ҳар ишга қодир Аллоҳ таолодан у зотни тақдирлашини сўрайдилар. Аллоҳим, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот йўлла!, деган сўзларининг маъноси шудир.

Аллоҳ таолонинг ушбу сўзига эътибор қилайлик: «Аллоҳ ва Унинг фаришталари», дея марҳамат қилмоқда. Аллоҳ таоло ва Унинг фаришталари қиладиган нарсадан кўра юксакроқ амал борми?!

Аллоҳ таоло барчаларимизни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатимизни зиёда қилсин! Омин!

*(Давоми бор)*

***Мир Араб олий мадрасаси 3-босқич талабаси Солиҳов Дилшод***